

ЛИТЕРОНОМИК ТАЖНИС САНЪАТИ АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА

Истамова Шохида Махсудовна

Бухоро давлат педагогика институти доценти

Шарипова Мавлюда Боймуротовна,

ТУРОН ЗАРМЕД университети, phd

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий ижодида литерономик тажнис санъати ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: тажнис, тасвирий восита, образ, мумтоз адабиёт

ИСКУССТВО ЛИТЕРОНОМИЧЕСКОГО ТАЖНИСА В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВАИ

Истамова Шохида Махсудовна

Доцент Бухарского государственного педагогического института

Шарипова Мавлюда Боймуротовна,

Университет ТУРОН ЗАРМЕД, phd

Аннотация. В статье представлены сведения об искусстве литературной поэзии в творчестве Алишера Навои.

Ключевые слова: тажнис, изобразительные средства, образ, классическая литература.

IN NAVOI'S CREATION ART, THE ART NAMED "TAJNIS"

Istamova Shokhida Makhsudovna

Associate Professor at Bukhara State Pedagogical Institute

Sharipova Mavlyuda Boymurotovna,

TURON ZARMED University, phd

Annotation. The article presents information about the art of literary poetry in the works of Alisher Navoi.

Keywords: tajnis, visual means, image, classical literature.

Мумтоз адабиётда тасвирий воситалардан воқеа-ҳодисаларни жонли, образли қилиб тасвирлаш, нутқ ифодалилигини ошириш, у ёки бу нарсанинг

хусусияти, характери, кўринишини қисқа ифодали, образли қилиб тасвирлаш учун фойдаланилган. Тасвирий воситалар, хусусан, жонлантириш, ўхшатиш, муболаға, сифатлаш, такрор ва бошқалар насрий ва назмий асарларда юксак бадийликни, сўз санъатини вужудга келтирган. Мақсуд Шайхзода бу хусусда қуйидагиларни ёзади: “*Илми бадеъ сўзга зийнат ва оройиш бермоқ мақсадида қўлланиладиган қоидалар ва қонунлардан иборатдирки, тўғри ва соғлом калималарда рўёбга чиқади*”¹.

Бу ҳодиса мумтоз адабиётшуносликда *илми бадеъ* деб юритилган бўлса, ҳозирда *шеърий санъатлар* деб номланади. Шунини қайд қилиш керакки, илми бадеъда “санъат” сўзини ҳозир биз тушунган маънода эмас, балки бадий усул, приём, восита фигура маъносида қўллаганлар. *Санъат* сўзининг кўплик шакли *саноат* эса *саноеъ* тарзида қабул қилинган. *Саноеъ бадиия* дейилганда “бадий санъатлар” тушунчаси кўзда тутилган.

Айрим адабиётшунослар эса бундай санъатларнинг учинчи бир тури, яъни ҳам шакл, ҳам мазмунга алоқадор бўлган маънавий-лафзий, муштарак санъатни ҳам ажратиб кўрсатади. Демак, бадий санъатлар уч гуруҳга бўлинади: маъновий, лафзий ҳамда маъновий-лафзий ёки муштарак санъатлар.

“*Тажнис*” “*تجنيس*” жинсини, шаклини бир хил қилиш, яъни жинсдошлаштириш бўлиб илмий атама сифатида байтда икки ёки ундан ортиқ шаклдош сўздир.

Тажнис юқорида саналган адабиётларда турлича тавсифланади. Масалан: “Хадойиқус-сеҳр” асарида тажнис *тажниси томм* ва *тажниси ноқисга*, “Ал-мўъжам” асарида *тажниси томм*, *тажниси ноқис*, *тажниси мураккаб*, *тажниси мўздаваж*, *тажниси мутарраф* ва *тажниси хаттига*, “Меъёрул-ашъор” асарида *тажниси томм* ва *тажниси ноқисга*, “Бадойиъ-ус санойиъ” асарида *тажнис лафзий* ва *тажниси ғайри лафзийга* бўлинади.

¹ Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. 6 томлик. 4-том. –Т.: Фан, 1972. -252 б.

Тажниси томмда икки ва ундан ортиқ сўзлар шаклан бир хил бўлиб, аммо улар бошқа-бошқа маъноларни англатади. Тажниси томмнинг муставкафий ва мумосил турлари мавжуд. Тажниснинг бу турлари Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ-ус санойиъ” ҳамда Анвар Ҳожиаҳмедовнинг “Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия” рисолаларида изоҳланган.

Сўз шакллариининг ўхшашлиги, маъноларининг ўзгачалиги омонимик ҳодисадир. Тажниси томм омоним сўз, тажниси зойид оморфема, тажниси музориъ омофон, тажниси хатти ва ноқис омограф, тажниси мураккаб омоформа, тажниси муваваҳшаҳлар омофонларга алоқадордир. Тажниси ноқисда 2 та, яъни омография ва омофония ҳодисалари учрайди. Энди санаб ўтган тажнис турларини ҳар бири устида алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

Тажниси томм. Тилда сўзлар хилма-хил хусусиятларга эга бўлади. Маълум бир тушунчани ёки тасаввурни бир сўз эмас, балки бир неча сўз ҳам ифодалаб келиши ва аксинча, биргина сўз орқали бир неча тушунча ёки тасаввур ифодаланиб, турли маъно англашилиши мумкин.

Омонимлар тажнис санъатининг асосини ташкил этади. Улар бир сўз туркуми ёки турли сўз туркуми доирасида воқеъ бўлади. Бир сўз туркуми доирасидаги омонимлар тажниси мумосил деб аталса, бир неча сўз туркумига тегишли омонимлар илми бадеъда *тажниси муставкафий* деб номланади. Буни Атоуллоҳ Ҳусайний қуйидагича изоҳлайди: “Баъзи араб фусаҳоси бир сўз туркумига оид бўлган икки шаклдошдин, яъни икки исм ёки икки феъл ёки икки кўмакчидан иборат тажниси томмни икки шаклдошнинг мумасалоти ва аларнинг туркумдошлиги жиҳатидин тажниси мумосил деб атабтурлар. Бир туркумга оид бўлмаган, яъни исми феъл, исму кўмакчи, феълу кўмакчидин иборат икки шаклдоштин иборат тажниси томмни икки туркумдаги сўзлардин истифода этилгани учун тажниси муставкафил дерлар”¹

¹ Ҳусайний А. Бадоеъ-ус саноеъ. –Т.: 1981. –Б. 39.

Алишер Навоий ижодидан тажниси томмнинг хилма-хил намуналарини учратамиз.

Кулма ҳам қадимғаким, юкланса ишқинг *қоф* аро,

Ишқ остида ёзилхон “қоф” дек ҳам топқасен. (Ғс, 328-б.)

Байтдаги “қоф” “قاف” I от, тоғ номи; “қоф” “ق” II от, ҳарфнинг номи (*ишқ* сўзидаги охирги ҳарфга ишора қилинган). Кўриниб турибдики, жинсдош сўзлар таркиб, талаффуз жиҳатидан бир хил, аммо маънолари турличадир. Демак, томмнинг *мумосил* тури бир сўз туркумидаги сўзларнинг омонимик муносабатига асосланган. Шунингдек, Алишер Навоий лирикасида *тажниси муставфий* тури ҳам учрайди:

Эй Навоий, демаким қилмасен ул ой ашк.

Ҳозир ул эмди, метай, ҳозир ўлуб чун қилди. (Нш, 360-б.)

Тажниси ноқис. “Ноқис” “ناقص” арабча сўз бўлиб, нуқсонли, камчилиги бор, деган маънони англатади. Таркибидаги ҳарфлар сони, тури ва ёзилиш тартиби бир хил бўлиб, талаффузи эса фарқли бўлган шаклдош сўзларни қўллашга асосланган санъат тажниси ноқис деб юритилади.

Бу турда ёзув, имло асос қилиб олиниб, унлиларнинг тушиши ва икки шаклдош сўз таркибидаги ундошларнинг айнан бир хил бўлиши назарда тутилади. Имлонинг бу жиҳатлари бадииятда чиройли сўз ўйинларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

Алишер Навоий санъатнинг бу туридан унумли фойдаланиб, юксак бадиият намуналарни яратган. Мисол:

Рақибу васл нўши мену ҳижрон неши, ваҳ раҳм эт.,

Они ҳамки гаҳи ўлтур, мени ҳамки гаҳи тиргул. (Нш, 116-б.)

Байтдаги “неш” “نش” ва “нўш” “نش” сўзлари араб имлосида бир хил ёзилса-да, бироқ улар турли хил талаффуз этилади. Унли товушлардаги мана шу фарқ нуқсонли деб юритилади.

Тажниси хатти. *Тажниси хатти*да сўзларнинг араб имлосида нуқталардан ташқари тўла мослиги, яъни байтдаги икки сўзнинг бир белги асосидаги ҳарфлардан ташкил топиши назарда тутилади.

Ошук ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш.

Оллоҳ-оллоҳ ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш. (Нш, 151-б.)

Байтдаги қофиядош “ёр” يار ва “бор” بار сўзларининг ёзилишига диққат қилинса, “йо” ва “бе” бир белги асосида ёзилади, бироқ улар нуқталарнинг сони жиҳатидан фарқланади.

Чун қўярмен ул жаҳон оройиши базмига юз.

Айш базмин, сокиё боғи жаҳон орода туз. (Нш, 117-б.)

Байтдаги “юз” يوز ва “туз” توز сўзлари қофиядош саналади. Сўзлардаги биринчи ҳарфларни ёзилишига зътибор қаратилса, “те” ва “йе” товушлари учун бир хил белги асос ҳисобланади. Дарҳақиқат, араб ва форс ҳарфлари 16 шаклдан иборат бўлиб, шу белгилардан 32 та ҳарф ясалади. Юқоридаги мисолларимиздан кўриниб турибдики, ўхшаш белгилар асосида (нуқталарнинг ўрни ва сони ҳисобга олинмаса) шаклдош ҳарфлар юзага келиб, поэтикада тажниси хатти аталувчи ҳодисани юзага келтиради.

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,

Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур. (Нш, 82-б.)

АДАБИЁТЛАР:

1. Ватвот Рашиддин. Мунтахаби “Таржимонул балоға” ва Хадойиқ ус сеҳр фи дақойиқуш-шеър. -Душанбе: Дониш, 1987.
2. Носириддин Тусий. Меъёр ул-ашъор. –Душанбе: Ориёно, 1992. -152 с.
3. Розий Қ. Ал муъжам фи-маоирул ашъорул ажам. –Душанбе: Адиб, 1991. - 161 с.
4. Саримсоқов Б. Тажнис. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1971.-№ 5. –Б. 85.
5. Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. 6 томлик. 4-том. –Т.: Фан, 1972. -252 б.

6. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ, 1998. –Б. 66-74
7. Ҳусайний А. Бадоеъ-ус саноеъ. –Т.: 1981. –Б. 39-40.